

Швейцарияда бўлиб ўтган Қуръон мусобақаси ғолиблари Ҳажга йўлланма олди



07:10 / 12.06.2019 1494

Тарихда биринчи мартаба Швецария давлатида Қуръони Карим мусобақаси ташкил этилди. Бу ҳақда IQNA хабар беради. Швейцариядаги Қуръони карим мусобақасини мувофиқлаштирувчи вакили Жамол ал-Хатибнинг маълум қилишича, мусобақада 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган 50 дан ортиқ Қуръон ҳофизлари қатнашган. Унинг айтишича, ушбу мусобақа Қувайт давлатининг «Халқаро Раҳмат» жамияти ҳомийлигида ташкил этилган.

Қуръон мусобақаси мамлакат аҳолиси томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Танлов якунига кўра, дастлабки беш нафар ғолибга Ҳаж сафари учун йўлланма берилган. Қолган иштирокчилар эса пул мукофотлари билан тақдирланди.

Islom.uz портали таҳририяти